

**ИССИҚ СУВ ҲОЛИДАГИ
ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ТҮФРИСИДА**

ШАРТНОМА

Тошкент

ИССИҚ СУВ ҲОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ТҮГРИСИДА

ШАРТНОМА

20 жиыл "14" январь 2185-сонли

РЧ-8
(худуд номи)

«TOSHISSIQQUVVATI» ДУК (бундан кейин "Иссиклик таъминоти корхонаси"
(корхона номи)

деб юритилади) номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари

бир томондан,

102-мажбаб шерифат (бундан кейин "Истельмолчи"
(корхона номи)

деб юритилади) номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари

Мирғалеевоғ Ғ.Б иккинчи томондан,
(фамилия, исми, шарифи)

куйидагилар тўгрисида мазкур шартномани туздилар.

І. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Иссиклик таъминоти корхонаси" иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришни, "Истельмолчи" эса истельмол қилган иссиқлик энергияси учун хақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Томонлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 22 август 2009 йилдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган "Иссиклик энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширадилар.

1.3. Шартноманинг умумий миқдори* 94 996 602,13

сўмни ташкил қиласди.

Шу жумладан: 94 996 602,13 сўм
бюджет маблагларидан, 64 996 903,03 сўм
бюджетдан ташқари маблагларидан 29 999 699,1 сўм.

ІІ. УЗАТИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ

2.1 "Иссиклик таъминоти корхонаси" "Истельмолчи"га 2022 йил "01" 01 кунидан 2022 йил "31" 12 кунигача бўлган даврда Гкал/соат энг катта иссиқлик юкламаси билан иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга мажбур, бунда:

- хоналарни иситишга 0,388 Гкал/с, ташқи мухит ҳарорати -14 град.С бўлганда;
- шамоллатишга Гкал/с, ташқи мухит ҳарорати град.С бўлганда;
- иссиқ сув таъминоти учун 0,121 Гкал/с;
- технологик эҳтиёжлар учун Гкал/с;

2.2. "Истельмолчи"га иситиш ва шамоллатиш учун "Иссиклик таъминоти корхонаси" томонидан бериладиган иссиқлик энергияси миқдори ташқи мухитнинг ҳароратига қараб белгиланади, ишлаб чиқариш ва иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун эса "Истельмолчи" томонидан тақдим этилган ва "Иссиклик таъминоти корхонаси" билан келишилган бир суткалик истельмол жадвалига асосан белгиланади ва йил чораклари бўйича куйидагича бўлинади:

* Изоҳ: бюджет ташкилотлари сарф-ҳаражатларининг йиллик сметаси тегишли молия идораларида рўйхатдан ўtkazilguncha шартнома миқдори ва қиймати бюджет ташкилотларининг вактинчалик ҳаражатлар сметасига биноан кўрсатилади.

Давр	Иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал			Жами үзитилган иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал	Бир суткалик үзитиладиган иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал
	Технологик жұмықтар	исишиш ва шамолапиш учун	иссиқ сув тәмминоти		
1	2	3	4	5	6
I чөрек		436,4162	261,36	697,4762	
Январь					
Февраль					
Март					
II чөрек			249,744	249,744	
Апрель					
Май					
Июнь					
III чөрек			252,6480	252,6480	
Июль					
Август					
Сентябрь					
IV чөрек		290,432	267,162	557,6	
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					
Жами		726,8482	1030,92	1757,7682	

23. Харорат жадвалига мувоғық фарқ қилиши $\pm 3\%$ дан күп бўлмаган ташки ҳаво ҳароратига нисбатан иссиқлик мағабалари коллекторларидан берилгән тармоқ сувининг ўртача суткали ҳароратини ушлаб туриш;

24. "Истемолчи" куйидаппапга риоя этади:

- тармоқ суви сарфининг ҳисоблаб чиқулган миқдори 6,86667 $\text{м}^3/\text{саатдан ошмаслиги}$;
- иссиқлик тармогидан олинадиган сувнинг энг катта миқдори 9,70634 $\text{м}^3/\text{саат}$;
- тармодан сизиб чиқадиган (йўқотиладиган) сувнинг меъёрб 0,016365 $\text{м}^3/\text{саатдан күп бўлмаслиги}$;
- г) қайтиш тармогидаги сувнинг ўртача суткалик ҳарорати жадвалидаги миқдорга нисбатан 3°С дан юкори бўлмаслиги.

Тармоқдан олинадиган сувнинг энг катта миқдори "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан ростлагич (регулятор) ёки сурима копқоқ ёрдамида белгиланади. Элеватордаги торайтирувчи курилмаларни алмаштириши "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

25. "Истемолчи"нинг қайтиш магистраль тармогидаги сув босими, маҳаллий тизимни тўлиқ тўлдирилишини таъминлапи лозим, акс ҳолда "Истемолчи" иссиқлик кирувчи кувурда ростлагич (регулятор) ўрнатади.

III. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИННИГ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРИБИ

3.1. Иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга оширишнинг ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.2. "Истемолчи"га етказиб берилган иссиқлик энергиясининг миқдори да (бринатилган жойи)

ўрнатилган ҳисобга олиш приборларининг (ҳисоблагич тuri, номи, рақами)
кўрсаткчилари бўйича аниқланади.

3.3."Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг объектларида ўрнатиладиган иссиқлик энергиясини хисобга олиш приборлари "Истеъмолчи" томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади, "Ўстандарт" агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин шартнома асосида "Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг хизмат кўрсатишига ўтказилади.

"Истеъмолчи"да ўрнатилган хисобга олиш приборлари "Истеъмолчи"нинг ўзи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмиранади.

3.4. "Иссиклик таъминоти корхонаси" томонидан хизмат кўрсатиладиган хисобга олиш приборларини таъмиранлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун хисоб-китоблар приборлар тўхтасидан оддинги охирги 15 сутка учун ўргача суткалик сарф бўйича амалга оширилади. "Истеъмолчи"нинг балансидаги иссиқликни хисобга олиш приборлари таъмиранлаш учун 15 суткагача бўлган муддатга тўхтатилганда иссиқлик энергияси учун хисоб-китоб приборлар тўхтасидан оддинги охир и 15 сутка учун ўргача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатга тўхтатилганда эса — хисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

"Истеъмолчи" хисобга олиш приборларини таъмиранлаш тугагунгача истеъмол қилишни тўхтатиб туришга ҳақлидир, бу ҳолда "Иссиклик таъминоти корхонаси" беркитиш арматурасини пломбалайди ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузилади.

3.5. Хисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган таклirdа иссиқлик энергияси учун хисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан хисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини хисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларниң хисоб-китоби "Иссиклик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёларини ҳамда технологик йўқотишлар меъёларини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Йўқотишларниң хисоб-китоби "Иссиклик таъминоти корхонаси" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда тармоқларнинг мансублиги хисобга олинган ҳолда амалга оширилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Куйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари "Истеъмолчи" томонидан шартномавий нархлар бўйича тўланади:

иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилиши билан боғлик йўқотишлар ўрнини тўлдириш;

"Истеъмолчи" тармогини унинг буюртманомаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага киради;

"Истеъмолчи"дан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоришималар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага қайтадиги тармоқ сувини сиздириш.

3.7. "Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотишлари учун "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланмайди.

3.8. "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергиясини етказиб бериш бўйича барча ҳаражатлар ва унинг йўқотишлари тарифларда хисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортиқча кўшимча ҳақ тўланишига йўл қўйилмайди.

3.9. Иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча ҳаражатлари ва йўқотишлари "Истеъмолчи"нинг хисобига тегишли бўлади, Агар иссиқ сув "Истеъмолчи"нинг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса иссиқлик энергияси микдори электр станцияси (туман қозонхонаси) коллекторида хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

3.10 "Истеъмолчи" ҳар ойда хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади ва ҳар ойнинг 25 сана кўрасатилисин)

"Иссиклик таъминоти корхонаси"га тақдим этади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги хисбот "Истеъмолчи" томонидан белгиланган муддатда тақдим этилмаса, "Иссиклик таъминоти корхонаси" хисоб-китобни шартномадаги иссиқлик юкламаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси микдорини қайта хисоб-китоб қилиш, соз ҳолатдаги хисобга олиш приборининг Мазкур қайта хисоб-китоб, кейинги хисбот даври учун хисоб-китоб қилинганда эътиборга олинади. Иссиқлик энергияси ҳақидаги хисбот истеъмолчи томонидан тақдим этилганидан сўнг "Иссиклик таъминоти корхонаси" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоблагичларнинг

күрсаткичи ва ҳақиқий истеъмол қилинган иссиқлиқ энергияси бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у узатилган ва истеъмол қилинган иссиқлиқ энергиясини ҳисобга олишиниг бирламчи ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар бўйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

"Иссиқлиқ таъминоти корхонаси" истеъмол қилинган иссиқлиқ энергияси учун ҳисоб-китобни ўринатилган шакл (5-Илова) бўйича амалга оширади ҳамда ҳисоб-варакасини вазиб "Истеъмолчи"га томширади.

Шу билан бир вақтда "Иссиқлиқ таъминоти корхонаси" ҳисоб-варакасига асосан ҳизмат кўрсатувчи банк орқали "Истеъмолчи"нинг ҳисоб рақамидан акцентсиз равишда очиб олиниши учун ҳисобот ойига ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айрилган қиймат бўйича тўлов талабномасини тақдим этади.

"Истеъмолчи" ҳар ойда иссиқлиқ энергияси учун шартномавий микдорниниг

30%

(фоизи кўрсатилсан)

фонз микдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўринатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширади.

3.11. "Истеъмолчи" томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлиқ энергияси сарфини ҳисоблашуда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда "Истеъмолчи" бир ҳафта муддатда бу ҳақда "Иссиқлиқ таъминоти корхонаси"га ариза берип керак.

Ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисида ариза берилиши "Истеъмолчи"ни у истеъмол қилган иссиқлиқ энергияси учун тўловни белгиланган муддатда тўлашдан озод килмайди.

3.12. Узатилган иссиқлиқ энергияси учун "Истеъмолчи" "Иссиқлиқ таъминоти корхонаси"га 1Гкал учун 16999,55 сўм тарифи бўйича тўлайди.
(нархи)

3.13. Тўлиқ етказиб борилмаган иссиқлиқ энергиясининг микдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш вақти "Иссиқлиқ таъминоти корхонаси" диспетчерлик ҳизматининг оператив дафтаридаги ғзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

"Иссиқлиқ таъминоти корхонаси"нинг айби билан "Истеъмолчи"нинг технологик эҳтиёjlарига иссиқлиқ энергияси тўлиқ етказиб борилмаганилиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлиқ энергияси тўлиқ етказиб борилмаган сутқадан олдинги 3 сутқадаги иссиқлиқ энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлиқ энергияси тўлиқ етказиб борилмаган сутқада амалдаги истеъмол ўртасидаги айрма сифатида аниқланади.

3.14. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиқлиқ энергияси сарфини ҳисоблашуда хатоларга йўл қўйилгандиги тасдиқланган тақдирда "Иссиқлиқ таъминоти корхонаси" охирги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлиқ энергияси сарфини тегишли равишда, "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилишга мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бўйича бажарилган қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлиқ энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олиниади.

3.15. "Истеъмолчи"ларга иссиқ сув эҳтиёjlари учун етказиб бериладиган 40° — 45°C ҳароратдаги иссиқлиқ энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқ сув учун тариф бўйича 50 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиқлиқ энергияси учун "Истеъмолчи" томонидан тўловлар, ҳисоб-китоб ойидан кейинги 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиқлиқ юкламасини ўзгартириш "Истеъмолчи"нинг буюрмасига кўра "Иссиқлиқ таъминоти корхонаси" томонидан ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

а) иссиқлиқ энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлиқ таъминоти корхонасидан иссиқлиқ энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш;
б) иссиқлиқ энергиясини етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлиқ энергияси параметрларининг шартномавий микдорлардан четга чиқишига йўл қўймаслик:

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиқлиқ берувчи кувурда сув ҳарорати бўйича - 3 фоиздан ортиқ (+);

иссиқлиқ берувчи кувурда сувнинг босими бўйича 5 фоиздан ортиқ (+);

орқага қайтадиган кувурда сувнинг босими бўйича - 20 кПа ортиқ (+) четга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик микдор сифатида олиниади;

в) "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш" қоидалари талабларига мувофиқ ўзининг иссиқлик тармоқларига субистеъмолчиларни улаш;

г) иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрлари "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг иссиқлик энергияси истеъмолини тўхтатиш Ушбу ҳолда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" қонун хужматларида белгиланган тартибда "Истеъмолчи" олдида жавоб беради.

4.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) "Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуиларига, "Иссиқликдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"га, "Иссиқликдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишида хавфсизлик техникаси қоидалари"га ҳамда "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га қатъий риоя қилиш.

б) иссиқлик энергияси ўчун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда ҳак тўлаш;

в) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишмасдан иссиқлик энергияси бир соатлик юкламаларнинг шартномавий миқдорини оширмаслик ҳамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилиш ва тармоқ сувининг олиниши миқдорини оширмаслик;

г) иссиқлик истеъмоли режимига нисбатан "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг тезкор кўрсатмаларини бажариш;

д) тармоқ сувини иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда ва тегишли ҳароратда қайтариш;

е) иссиқликдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, кувурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;

ж) иссиқлик энергияси истеъмолини вақтинча тўхтатиш билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишиш;

з) ҳисобга олиш приборлари, иссиқ сувни тўкиш учун жўмраклар, торайтирувчи курилмалар ва арматурани "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг вакили билан биргаликда пломбалаш, ўрнатилган пломбаларнинг сақланишини таъминлаш Пломбаларни олиш "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг рухсати билан амалга оширилиши лозим;

и) "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг вакилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини сутканинг исталган вақтида тўқинликсиз кўздан кечиришини таъминлаш;

к) иссиқлик энергиясидан ноқилона ва исрофгарчилик билан фойдаланишига йўл кўймаслик;

л) иссиқлик тармоқлари устида иморатлар курилишига, материаллар тахланишига, дарахтлар ўтказилишига йўл кўймаслик;

м) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишмасдан иссиқлик тармоқларини, мухандислик ускуналарини ва курилмаларни қайта жиҳозлашга йўл кўймаслик;

н) иситиш приборларининг қўшимча секциялари, беркитиш ва бошқарниш арматуралари ўрнатилишига ва чиқариб олинишига йўл кўймаслик;

о) иситиш тизимларида иссиқлик тармоқларидан бошқа мақсадларда фойдаланишига (иситиш тизимлари ва приборларидан сув оқизилишига) йўл кўймаслик;

п) "Истеъмолчи" "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг балансида турган иссиқлик тармоқларида, олдиндан келишилган ҳолда амалга ошириладиган таъмирлаш ва курилш ишларини бажариш учун "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг вакилларини ўз худудига киритиши лозим;

р) барча иссиқликдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ижро чизмалари ва паспортларига ҳамда эксплуатация қилиши йўриқномаларига эга бўлиш;

с) иссиқликдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиқлик тармоқларига тайёргарлик кўрган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

т) ишлаб чиқарилабтган маҳсулот (бажариладиган ишлар) бирлигига, иссиқлик энергияси сарфининг меъёrlарини ишлаб чиқиши ва уларга риоя этилишини назорат қилиш.

4.3. "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг хукуқлари.

4.3.1. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" куйидаги ҳолларда "Истеъмолчи"ни огоҳлантириб, унга иссиқлик энергияси етказиб беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш хукуқига эга:

- а) иссиқлик энергияси учун түлов хужжатида белгиланган муддатларда ҳақ түланмаганда ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасыда белгиланган миқдорда олдиндан түлов амалга оширилмаганда;
- б) субистеммолчилар, янги иссиқликтан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ўзбошимчалик билан уланганда;
- в) иссиқликтан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари "Ўздавэнергоназорат" ДИ рухсатисиз ишга туширилганда;
- г) иссиқликтан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари хисобга олиш приборларидан олдин уланганда;
- д) иссиқлик юкламаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдаги сув сарфининг миқдори "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг розилигисиз оширилганда;
- е) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасыда белгиланган бир соатда олинадиган тармоқ сувининг миқдори оширилганда;
- ж) тармоқдаги сув ифлосланганда;
- з) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" вакиллари иссиқлик энергиясини хисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда.

43.2 Ускуналарни таъмирлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ёки янги "Истеммолчи"ларни улашда захира таъминлаш манбаи мавжуд бўлмаса "Иссиқлик таъминоти корхонаси" "Истеммолчи"ни узиб кўйиш ҳукуқига эгадир.

"Истеммолчи"ни иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ санасини (кунлар ва соатлар) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огоҳлантиришдан кейин 5 кун муддатда "Истеммолчи" иссиқлик беришдаги танаффус вактини келишиб олмаса "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ушбу вактни мустақил равишда белгилаш ҳукуқига эга.

Иссиқлик энергияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу ҳақда узиб кўйишдан камида 24 соат олдин "Истеммолчи"ни огоҳлантирган ҳолда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

43.3 Авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора тадбирларни кўриш учун "Иссиқлик таъминоти корхонаси", узиб кўйиш сабабларини дарҳол маълум қилган ҳолда, "Истеммолчи"га иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиб кўйиш ҳукуқига эга.

4.4. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" кўйидагиларга мажбур:

- а) шартномага мувофиқ "Истеммолчи"га иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилшини таъминлаш;
- б) "Истеммолчи"да "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг обьектида ўрнатилган иссиқлик энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг тўғрилиги бўйича шубҳа тугиладиган бўлса, "Иссиқлик таъминоти корхонаси", белгиланган тартибда, сутканинг исталган вақтида "Истеммолчи" вакилларини иссиқлик энергиясини хисобга олиш приборларини кўздан кечиришини таъминлаши лозим;
- в) иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ бўлишини таъминлаш, уларнинг:
иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича – 3 фоиздан ортиқ (\pm);
сув босими бўйича:
иссиқлик берувчи қувурда - 5 фоиздан ортиқ (\pm);
орқага қайтадиган қувурда - 20 кПа дан ортиқ (\pm) четга чиқишига йўл кўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида хисобга олинади;
- г) "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг айби билан тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш Тўлиқ етказиб берилмаган энергия ҳажми "Истеммолчи"нинг вакили иштирокида "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади;
- д) "Истеммолчи"нинг иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи парметрларини шартномадаги қийматларга нисбатан пасайланлиги тўғрисидаги ёзма аризадарини 10 кун муддатда кўриб чиқиш;
- е) иссиқлик тармоқларининг гидравлик ҳисоб-китобига мувофиқ "Истеммолчи"нинг иссиқлик боғламалари учун торайтирувчи қурилмаларнинг ўлчами (размер сужающега устройства) белгилаб берилади.

V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ёКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Иссиклик энергияси билан таъминлашда "Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг айби билан танаффуслар юз берган тақдирда "Иссиклик таъминоти корхонаси" иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибатида "Истеъмолчи"га етказилган моддий зарарни қоплади.

5.2. Иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиқтириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Иссиклик таъминоти корхонаси" "Истеъмолчи"га кечиқтирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пена тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларини кечиқтириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.3. Агар етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясининг сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, қонун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, "Истеъмолчи" иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, "Иссиклик таъминоти корхонаси"дан сифати лозим даражада бўлмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга ҳақлидир.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясининг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичida тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Иссиклик таъминоти корхонаси"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиқтирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиқтирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пена тўлайди.

5.5. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва амал қилиш муддатининг тугаси, "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"ни турли қўринищдаги етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун қарзларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

5.6. Иссиклик истеъмоли обьектларининг иссиқлик тармоқларини ҳолати ва уларга ҳизмат кўрсатилиши бўйича жавобгарлик чегаралари "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўргасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублигини бўлниши ва уларни эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари далолатномаси билан белгиланади (1-илва).

5.7. "Иссиклик таъминоти корхонаси" иситиш тизими ёқилганида сув аланиши ва иссиқ сув таъминоти учун тармоқдаги сув узатилишини бир қувурдан бошқасига ўтказилиши билан боғлиқ жавобгар бўлмайди.

5.8. Иссиклик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, иссиқлик энергияси, иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгаририш максадида уларга ташқаридан аралашпиш Узбекистон Республикаси Мазъурний жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан мазъурий жазо кўлланилганидан кейин анча микдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, - Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддасига асосан жиной жавобгарликка тортилади.

VI. ФОРС-МАЖОР

6.1. Томонлар куйидаги ҳолатларда иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш тортилмайдилар:

а) "Иссиклик таъминоти корхонаси" ускуналарининг ишдан чиқишига сабаб бўлган табиий ходисалар: момақалдирок, бўрон, сув тошқини, зилзила, ёнгин, 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу худудда иситишни лойихалаштириш учун хисоблаб чиқилган ҳароратдан 3°C га ва ундан ортиқ шаст

бўлган ҳароратда ҳавонинг узок вақт совиб кетиши, бошлангич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида;

6) ентиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларининг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бурон, курғоқчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатларда:

6.2. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" тизимини аварияларнинг олдини олиши ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ уни дарҳол ҳабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

6.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 01. 20.22 йилдан, 31.12. 2022 гача амал қиласди.

Амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин, агар тарафларнинг биридан шартномани ўзгартириш тўғрисида ёки бекор қилиш тўғрисида ариза тушмаса, ҳар йили узайтирилган ҳисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, улардан биттаси "Иссиқлик таъминоти корхонаси"да, иккинчси эса "Истеъмолчи"да сакланади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, низоли масалалар амалдаги конун хужжатлари билан белгиланган тартибда Хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.


IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

9.1. Ушбу шартномага кўйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмас кисми бўлиб ҳисобланади:

- "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўргасида иссиқлик тармоқларининг балансига мансублиги бўйича бўлиниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1 -илова);
- "Истеъмолчи"нинг ваколатланган масъул шахсини тайинлаш тўғрисида ишончнома (2- илова);
- "Истеъмолчи" обьектлари ва иссиқлик юкламалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисидаги маълумотнома (3-илова);
- "Истеъмолчи" ташки иссиқлик таъминотининг принципиал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак.
- Иситиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг ҳарорат жадвали.

* Изоҳ: Бюджет ташқилотлари учун шартноманинг 7.1-банди 1 хат боши кўйидаги таҳрирда баён этилсин; "Мазкур Шартнома 20.22 йилнинг 31 декабргача амал қиласди"

Х. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

•ТАЬМИНОТЧИ•	•ИСТЕМОЛЧИ•
«TOSHISSIQQUVVATI» ДУК	
Почта манзили: Ташкент шаҳар Фурқат кӯчаси, 1а.	
Хисоб рақами: 2021 0000 9001 1895 6001	
«Ипотека банк» АТИБ ТШФ Амалёт Башкармаси	
Банк коди (МФО)	00419
СТИР (ИНН)	200899030
Корхонанинг кодлари:	
1. КТУТ (ОКПО) бўйича корхонанинг коди 16385634	
2. МХОБТ (СОАТО) бўйича ўрнашган жойи коди 1726277	
3. МППТ (КФС) бўйича мулк шакли коди 135	
4. ТХИПТ (КОПФ) бўйича ташкилий- хукуқий шакли коди 1200	
5. ИФУТ (ОКЭД) бўйича асосий иш фаолиятининг тури коди 35300	
6. Тел./факс: 227-00-35	
Имзо	
Мухр ўрни	
8. Жорий вақтдаги тарифлар _____ сўм	
9. Истеъмолчининг тариф гурухи _____ гурух.	
«Бюджет маблағлари ҳисобидан мoliaланувчи ташкилотлар томонидан тўлдирилиши лозим».	
10. Faz/xp ¹ _____	
11. Ш/xp ² _____	
12. Ш/xp ³ _____	
13. Фазначилик бўлнимлари номи <i>Вазирлик</i> <i>фазначилик</i>	
14. Кадастрик рақами 1001040000063	
15. Тел./факс 77-220-34-37	
Изоҳ: Томонлар ушбу бандга кўрсатилган (корхонанинг номи, манзили, хисоб рақами ва доказо) маълумотларга ўзgartirишилар киритилганини ҳакида ўз фактига оғоҳлантиришга маъбудирлар.	
Имзо	
Мухр ўрни	

Изоҳ: Faz/xp¹ - тегишли Фазначилик ҳисоби кўрсатилади
ш/xp² - бюджет маблағлари олувчининг Фазначилик бўлнимларидан очилган тегишли шахсий
рақами (ёки шахсий рақамлари) кўрсатилади.

ш/xp³ - бюджет маблағлари олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисоби
ёки газначиликдаги талаб килинган депозит ҳисоб рақами кўрсатилади.

Хукуқшунос хуносаси: *Юр · ОТД* *бонбу*

(имзо)

DMR
УТС *Чинч*
СМС *Вонж*

(Ф.И.Ш.)

Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда
етказиб бериш шартномасига
1 - илова

"Истеъмолчи" ва "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ўргасида иссиқлик
тармоқларининг балансга мансублиги бўйича бўлинниш чегарасини белгилаш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

20^{йил} "14" декабрь

2135-сон

Тошкент шаҳри

Биз, қуйнда имзо чекувчилар "Иссиқлик таъминот корхонаси" вакили
ва "Истеъмолчи" вакили
(корхона номи, фамилияси, исми, шарифи)
102-шагабийнерисат мазкур далолатномани шу ҳақда туздикки,
(корхона номи, фамилияси, исми, шарифи)
"Истеъмолчи" объектларидаги иссиқлик таъминоти тизимлари хизмат
(истеъмолчининг обьекти номи)
кўрсатишнинг бўлинниш чегарасидир, бўлинниш чегарасидаги ёпиш арматуралари
"Истеъмолчи" тасарруфида бўлиб, унинг ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.

T/r	Объектнинг манзили	Объектнинг манзил рақами	Жавобгарлик ва хизмат кўрсатишнинг бўлинниш чегараси
	<u>Мукбиг</u>		<u>Ижорат зданье</u>

Иссиқлик таъминоти тизимларига иссиқлик ташувчи йўналишида _____ гача
(задвижка рақами)

"Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан хизмат кўрсатилади, ундан кейин эса
"Истеъмолчи" томонидан хизмат кўрсатилади ва таъмирланади

"Иссиқлик таъминоти корхонаси"
туман бошқармаси бошлиғи

Саидов б.б.
(Ф.И.Ш.)

"Истеъмолчи"нинг ходими
Миррафозова Р.Б.
(Ф.И.Ш.)

Мирзоев А.Р.



Иссиқлик энергиясини иссик сувда
етказиб бериш шартномасига
2 - илова

"Истеъмолчи"нинг ваколатланган масъул шахси тайинланганлиги тўғрисида
ИШОНЧНОМА

20.12 йил "17" январи 2135-сон Тошкент шаҳри

"Истеъмолчи" 162-мактаб ишбориат

(корхона номи)

ўзининг 20 ____ йил "___" _____ даги ___ - сонли буйруғи билан "Иссиқлик таъминоти
корхонаси" билан алоқа қилиш ва иссиқлик энергиясини узатиш ва узатишни тўхтатиш билан
боглиқ бўлган турли хилдаги масалаларни ўелишиш учун ваколатланган масъул шахс этиб
ни тайинлади.

Мирзаево Р.Б (жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.)

Ваколатланган шахс билан алоқа қилиш учун ваколатланган шахснинг манзили ва телефони:

ул. Мухбир

"Истеъмолчи"нинг раҳбари

Мирзаево Р.Б
(Ф.И.Ш.)



Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда
етказиб бериш шартномасига
4 - илова


**Истемол қилинган иссиқлик энергияси бүйича
ХИСОБОТ**

20~~22~~ йил "14" двайуб ой учун

Кўрсаткичдан олинган кун 20__ йил "___" __

T/р	Хисоблагич тур (хисоблагич номи тури, завод рақами)	Тармоқда узати-лаётган сувнинг сарфи тн.	Тармоқдан қайта-ётган сувнинг сарфи тн.	Тармоқка узати-лаётган сувнинг ҳарорати т	Тармоқдан қайта-ётган сувнинг ҳарорати т	Бирламчи (исходной) сувнинг ҳарорати т	Иситишига ишлатилган иссиқлик энергияси Г кал	Иссиқ сувтаъминоти учун ишлатилган иссиқлик энергияси Г кал	Жами ишлатилган иссиқлик энергияси Г кал

"Иссиқлик таъминоти корхонаси"
туман бошқармаси бошлиғи



"Истемолчи"нинг ходими



"Истемолчи" обьектлари ва истемол юкламалари урганин жойлари (дислокацияси) түриненда

МАЪЛУМОТНОМА

2022 йил "14" акварт 2135-сон
Тошкент шаҳри
"Истемолчи" 102-шихтад шартномасига
(корхонанинг тӯлиқ номи)

Т/р	Объектнинг номи ва асосий мақсади	Объектнинг манзил роқами	Объектнинг иссилик киритичи-нинг рақами	Юклама, Гкал/сонт				Ин соатлар сони			
				Х/к иссикини	Х/к юкламолагат.	Иссиқ сув таъминоти	Технологик	Шамоллатиш илиши	ИСТ	Технология	Ташкилдажм. кв.м
1.	Чебичий корп			0,23	-	0,009					
2.	Санаторий			0,032	-	0,061					
3.	ХОЗ. корп			0,015	-	0,039					
4.	Джазерекай			0,059	-	-					
5.	Спортив. корп			0,040	-	0,014					
6.	Склад			0,003	-	-					
7.	К.П.ИР			0,003	-	-					
8.											
9.											
10.											
11.											
12.											
13.											
14.											
15.											
Итого :				0,388	-	0,129					

15



"Истемолчи"нинг иссилик юкламалари
доийасига мос

Усмансаб Р
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

"Истемолчи"нинг бўлим бошлиги

(Ф.И.Ш.)

"Субистемолчи"нинг ходими

(Ф.И.Ш.)



Изоҳ: "Истемолчи"нинг битта обьектига бир нечта иссилик киритичи бўлса, уларнинг
руйхати алоҳида алоҳида, обьект бўйича юкламаларнинг якуният жадидларни билан берилади.